Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг 2019 йил 11
сентябрдаги
931 сон қарорига
1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО МАТБУОТ МАРКАЗИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларни ёритиш бўйича Халқаро Матбуот маркази (кейинги ўринларда – Халқаро матбуот маркази) фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқлари, ваколатлари ҳамда мажбуриятларини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Халқаро матбуот маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

2. Халқаро матбуот маркази ўз фаолиятини очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида юритади.

3. Халқаро матбуот маркази ўз фаолиятини Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича сайлов кампанияси даврида амалга оширади.

4. Халқаро матбуот марказида тажрибали журналистлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат ихтисослашган гуруҳлар фаолият олиб боради.

5. Халқаро матбуот маркази фаолиятини бошқариш Марказий сайлов комиссияси раиси фармойишига асосан лавозимга тайинланадиган директор томонидан амалга оширилади. Бошқа ходимлар Марказ директорининг тавсиясига кўра Марказий сайлов комиссияси Котибияти томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишга жалб қилинади.

6. Марказий сайлов комиссияси Котибияти Халқаро матбуот марказининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради

ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жалб этилган ходимларга иш ҳақи тўлайди.

7. Халқаро матбуот марказининг сайлов кампанияси давридаги доимий фаолият олиб борадиган манзили Марказий сайлов комиссияси қарори билан белгиланади.

II боб. Халқаро матбуот марказининг вазифалари

8. Халқаро матбуот марказининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари аъзолари, шунингдек сайлов соҳасидаги бошқа эксперт ва мутахассисларнинг сайлов тизимидаги ислоҳотлар, сайлов қонунчилиги моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлари режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига кўмаклашиш;

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш;

республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларини аккредитация қилиш билан боғлиқ масалаларни Марказий сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаш;

Халқаро матбуот марказида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакилларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ маълумот ҳамда ахборот материаллари билан таъминлаш;

Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга мўлжалланган баёнотларини тайёрлаш, Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти ҳамда аъзоларининг мақола, интервьюлари матнларини тайёрлашга кўмаклашиш;

Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган сайловнинг асосий босқичлари, шу жумладан сайлов куни овоз беришнинг бориши ҳамда натижаларига бағишланган брифинглар, матбуот анжуманларини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бориши ҳақидаги миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборотларни ўрганиш, мониторингини юритиш, натижаларини мунтазам ва тезкор равишда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш;

сайлов кампанияси даврида округ сайлов комиссиялари матбуот марказларининг ишини мувофиқлаштириб бориш;

Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтини мунтазам равишда материаллар билан таъминлаш, ўтказиладиган тадбирлар бўйича тегишли хабарларни сифатли, фактик жиҳатдан аниқ ва тўғрилигини таъминлаган ҳолда зудлик билан киритиб бориш ишларини амалга ошириш;

Халқаро матбуот маркази фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган бино, жиҳозлар, автотранспорт, алоқа воситалари, компьютер ва бошқа техник воситалардан мақсадли фойдаланиш, уларни сақлаш ва эҳтиёт қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш;

Халқаро матбуот марказининг ҳудудларда ташкил этилган минтақавий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва амалий ёрдам кўрсатиш;

сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази (Call-center) орқали кенг жамоатчилик ва сайловчиларга тезкор ва ҳуқуқий ахборот бериш.

9. Халқаро матбуот маркази зиммасига амалдаги қонунчиликка ва ушбу Низомга зид бўлмаган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

III боб. Халқаро матбуот марказининг ҳуқуқлари

10. Халқаро матбуот маркази қуйидаги ҳуқуқларга эга:

оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар сўровига биноан Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти билан келишган ҳолда унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган баёнотлар ва маълумотлар бериш;

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган зарур маълумотларни сўраб олиш;

оммавий ахборот воситаларида тарқатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ асоссиз маълумотлар, ҳақиқий ҳолатга мос келмайдиган чиқишлар ҳамда бошқа қонунга зид материаллар юзасидан белгиланган тартибда раддиялар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан миллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш;

сайлов кампанияси даврида амалдаги сайлов қонунчилигига зид равишда фаолият олиб бораётган аккредитация қилинган журналистларнинг ваколатларини тўхтатиш ҳақида Марказий сайлов комиссиясига таклифлар киритиш;

Халқаро матбуот маркази ходимлари сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли давлат органларига, корхона, муассаса, ташкилотларга мурожаат қилиш.


11. Халқаро матбуот маркази ўз вазифаларини бажариш мақсадида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

IV боб. Якуний қоидалар

12. Халқаро матбуот маркази Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган маълумотларни миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларига асоссиз ўзгартириб, бузиб тақдим қилганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 11 сентябрдаги
931-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот марказининг
ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ



Марказ ходимлари чекланган сони:

- Халқаро матбуот маркази ходимлари сони - 30 нафар
- Марказнинг минтақавий бўлинмалари ходимлари сони (ҳар бир ҳудудда 3-6 нафардан) – 42-84 нафар
- Сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази (Call-center) ходимлари жамоатчилик асосида жалб этилади.